



ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН!

НАМКОР

press



www.hamkorpress.uz



t.me/hamkorpress_gazeta

Газета 2004 йилдан чиқа бошлаган

2021 йил 28 декабрь. 24 (403)-сон

hamkor.press@mail.ru

“НАМКОРБАНК” АТБ БОШҚАРУВИ РАИСИ БАХТИЁРЖОН ЖЎРАЕВНИНГ ЯНГИ ЙИЛ

БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз устозлар, қадрли ҳамкасблар, ҳурматли дўстлар!

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб ном олган 2021 йил ўз ниҳоясига етмоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳаммамиз учун муқаддас маскан, барчамизни ягона мақсад сари бирлаштирган “Hamkorbank” АТБ учун ўтган 2021 йил эсда қоладиган муҳим воқелиklar, янгиланишларга бой бўлди. Худди шу йил банкимиз ўзининг қутлуғ 30 ёшини кенг тантаналар билан қилди. Албатта, бундай муҳим санани ёруғ юз, эътирофга арзигulik муваффақиятлар билан қарши олишда ҳар бирингизнинг муносиб ҳиссангиз бор.

Банкимизнинг юбилей тантанаси кенг нишонланган жорий йилда “Hamkorbank”нинг кредит пор-

тфели 9 триллион сўмдан ортиб кетди. Ушбу йилда ҳам қўллаб-қувватлаш халқаро молия ташкилотлари билан бир нечта йирик кредит линия ажратилиши бўйича келишувларга эришилиб шартномалар имзоланди. Қувонарли жиҳати, “Hamkorbank” “Asiamoney” журна-ли томонидан “Ўзбекистондаги энг яхши рақамли банк” сифатида эътироф этилди. “Йил бренди” танловининг натижаларига кўра, “Ўзбекистоннинг энг яхши банки” номинациясининг ғолиби бўлди. Якунига етаётган ушбу йилда банкимизнинг 47- (Миробод) филиали ўз фаолиятини бошлади. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида юртимиз бўйлаб 100 дан ортиқ банк хизматлари офислари иш юритмоқда.

Ҳамкорларимизнинг бизга бўлган

ишончини янада мустаҳкамлаш, банкимизга хайрихоҳ бўлган инсонларнинг сонини ошириш ва мижозларга ҳар томонлама сифатли хизмат кўрсатишимиз учун астойдил изланишимиз, бор билимимиз, иқтидоримизни сафарбар этишимиз даркор. Эзгу мақсад ва ниятларнинг рўёбга чиқиши учун эса мустаҳкам саломатлик, изланиш ва ташаббус талаб этилади. Коронавирус пандемияси давом этаётган шу паллада ҳар бирингизга, оила аъзоларингиз ва яқинларингизга мустаҳкам соғлиқ тилайман.

Кириб келаётган Янги — 2022 йил юртимизга тинчлик-осойишталик, хонадонларимизга бай-барак, оилаларимизга чексиз хурсандчиликларни олиб келсин.

КЕЛГУСИ
СОНЛАРДА:

ЖАҲОНГА МАШҲУР
ГҶРИ АМИР
МАҚБАРАСИ

КИМЛАРГА КРЕДИТ
БЕРИЛМАЙДИ?

ТОШКЕНТ
ТЕЛЕМИНОРАСИГА
САЁХАТ

ЯНГИ АНДИЖОНДА
МЕТРО...

МАҲАЛЛА
СТАДИОНИ
ПУЛИК БЎЛГАНИ
ТЎҒРИМИ?

ҲУҚУҚШУНОС СИЗ
ТОМОНДА

ЛЎҒУМБЕКНИ
БИЛАСИЗМИ?



БАЙРАМ ШУКУҶИ

ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТИ АВФ ЭТИЛАДИ

Жанубий Корея ҳукумати коррупция учун 22 йиллик қamoқ жазосини ўтаётган собиқ Президент Пак Кин Хэ авф этилиши ҳақида маълум қилди.



69 ёшли собиқ сиёсатчи Янги йил муносабати билан авф этилиши режалаштирилаётган 3 мингдан кўпроқ маҳкумлар рўйхатига киритилган. Собиқ Президентни авф этиш қарори унинг соғлиғи яхши эмаслигини ҳисобга олган ҳолда инсонпарварлик нуқтайи назаридан қабул қилинган. 2019 йилда Пак Кин Хенинг елкасида жарроҳлик амалиёти ўтказилган, жорий йилда эса у елка ва умуртқадаги оғриқлар билан 3 марта шифохонага ётқизилган. У 4 йил 9 ойни панжара ортида ўтказган.

“TikTok” БИРИНЧИ ЎРИНДА

2021 йилда “TikTok” ўтган йилги етакчи “Google”ни ортда қолдириб, дунёдаги энг машҳур интернет доменига айланди.

Хитойнинг “ByteDance Ltd” компаниясига тегишли “TikTok” аввалроқ унинг ойлик фаол фойдаланувчилари сони миллиарддан ошгани ҳақида хабар берган эди.



16,4 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА СОТИЛГАН УЛУШ

Хитойнинг Tencent Holdings интернет-гиганти JD.com онлайн-ритейлерига улушининг асосий қисми – 457 млн.та акцияни 16,4 млрд. долларга сотишини маълум қилди.



Компания бу акциялар билан ўз акциядорларига махсус дивидендларни тўлайди. Tencent’да таъкидланишича, JD.com унга компаниянинг молиявий кўмаги керак бўлмайдиган даражагача ўсган.

7 ИҚЛИМДАН ДАРАКЛАР



ЭМЛАНГАН ПЕНСИОНЕРГА МУКОФОТ БОР



Словакиянинг 60 ёшдан ошган 500 мингга яқин аҳолиси Янги йил байрами олдида COVID-19 га қарши эмлангани учун 200 ёки 300 евро мукофот пули олади.

200 евро перепаратнинг дозасини икки марта олганлар, 300 евро эса уч марта олганларга берилади. Ҳукумат жами пенсионерларни рағбатлантириш учун 279 миллион евро ажратди.

ПАРАЦЕТАМОЛ ҲИССИЁТЛАРНИ ЎЛДИРАДИ

Германиянинг Гёппинген шаҳридаги оғриқ ва паллиативларга қарши марказ шифокори Герхард Мюллер-Шефнинг айтишича, парацетамол қабул қилиш ҳиссиётларнинг йўқолишига олиб келади.

ТАЪМНИ УЗАТАДИГАН ТЕЛЕВИЗОР

Японияда таомнинг таъмини томошабинга еткази оладиган “Taste the TV” телевидио яратилди.



Ишланма муаллифи Мэйдзи университети профессори Хомей Мияшита таъкидлаганидек, қурилма мультисенсорли кўриш тажрибасини яратиш йўлидаги навбатдаги қадам бўлди.



Маркетинг сиёсати банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларни тубдан ўзгартириб, банк мижоз учун қoидасига асосланади. Аввал банклар омонатчилар ва қарз олувчиларга банк маҳсулотларининг маълум бир турларини таклиф қилиш орқали ўз бизнесини олиб борган бўлса, эндиликда улар мижозларнинг алоҳида гуруҳлари, йирик корхоналар, кичик бизнес вакиллари, жисмоний шахслар ҳамда бошқа турдаги мижозларнинг эҳтиёжлари асосида хизматларнинг янги турларини жорий этмоқда.

Бугунги кунда банклар мижозлари билан ўзаро муносабатларини жиддий маркетинг таҳлили асосида амалга оширмоқда. Банк хизматлари бозорида рақобат кучайгани сабабли маркетингга тобора кенгроқ аҳамият берилаяпти. Маркетинг ривожланишидаги икки асосий йўналиш банк ишида ихтисослашув ва универсаллашувга мойилликларни тушуниш учун калит вазифасини ўтайди. Биринчидан, бу “бозорнинг вертикал жойи”га мўлжалланган маркетинг бўлиб, унинг моҳияти истеъмолчиларнинг берилган гуруҳлари бўйича хизматни ёхуд бир-бирига функционал жиҳатдан яқин хизматлар комплексини сотиш йўллариини излашдан иборат. Банклар эски бозорни ёки унинг бир қисmini тутиб қолиш ўрнига ўз хизматлари учун доимо янги бозорлар топишга интилишади.

Иккинчидан, “бозорнинг горизонтал жойи”га мўлжалланган маркетинг бўлиб, истеъмолчилар эҳтиёж сезиши мумкин бўлган банк хизматларининг

бутун комплекси бўйича эҳтиёжларини қондиришни назарда тутати.

Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантиришда маркетинг фаолиятини ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Айниқса, ривожланган давлатлар банк соҳасида маркетинг фаолияти тажрибаси банк стратегиясини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Тижорат банкларида маркетинг фаолиятини кредит бериш жараёнида ривожлантириш банк стратегиясининг микро даражаси сифатида баҳоланади. Унинг қанчалик тўғри ишлаб чиқиши банк фаолиятини рақобат бозорида устунли-

гини таъминлаш, уларнинг маҳсулотини циклик даврини яхшилаш ва мижозлар сонини ортишига олиб келади. Кредит бериш жараёнида маркетинг фаолиятини ривожлантиришда жаҳон амалиётида кенг қўлланиб келаётган учинчи томоннинг дастурий таъминоти ва компьютер операцияла-

бевосита боғлиқ. Қачонки банк мижозларга хизмат кўрсатишнинг самарали тизимини ишлаб чиқсагина, уни рақобат бозоридаги фаолияти шунчалик юқори бўлади.

Умуман банк хизматларини ривожлантиришда маркетинг фаолияти доирасида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

— мижозларга тўғри муносабатда бўлиш ва доимий мижозлар сонини кўпайтириш. Банк маркетинги

ридан фойдаланган ҳолда аутсорсинг стратегиясини қўллаш муҳим ҳисобланади. Ушбу стратегиядан 2000 йилдан буён Европа иттифоқи давлатларида кенг фойдаланиш амалиёти қўлланилмоқда. Уни қўллаш банк харажатларини қисқартириш имконини бериш орқали хизмат кўрсатиш сифатини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, микромолиявий хизматлар бозорида тижорат банклари маркетинг фаолиятини ривожлантириш банк мижозлари билан

мақсадларидан бири янги мижозларни доимий тарзда жалб қилишдир. Аниқ амалиётларни бажариш учун банкка мурожаат қилаётган жисмоний ва юридик шахслар ҳар доим тўлдирувчи ёки ёндош хизматларнинг эҳтимолли харидорлари сифатида иштирок этадилар. Масалан, мижоз банкдан чет эл валютасини олаётган бўлса, унга хорижга саёҳат чоғида бахтсиз ҳодисалардан суғурталанишни таклиф этиш мумкин.

ТАҲЛИЛ

Янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва олға суриш натижасида банк кўтаралган харажатларнинг ҳажми ҳам жуда муҳимдир. Чунки, банк ниҳоятда қимматли ресурсларни тасарруф қилади, уларни бозорнинг энг фойдали — талаб юқори ҳамда хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар нисбатан камроқ бўлган сегментларида ишлатиш лозим.

Банк маркетинги нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш ва тезлаштириш ҳисобига пул муомаласини жадаллаштиришга қаратилган бўлиши лозим. Нафақат омонатчилар сафини кенгайтириш, балки, уларга хизмат кўрсатиш сифатини доимий яхшилашга ҳам қаратилган интеграцияланган маркетинг тобора афзаллик касб этиб бормоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, банк маркетинги — банкнинг ишончлилиги, исталган ташқи ўзгаришлар пайтида унинг мустаҳкамлигининг муҳим омили. Моҳияти таркибан режалаштириш, таҳлил, тартибга солиш ва назоратдан иборат.

Ҳамдам АЛЛАЁРОВ,
Самарқанд иқтисодий ва сервис институти маркетинг кафедраси ассистенти.

ТИЖОРAT БАНКЛАРИДА МАРКЕТИНГ



“ҚЎҚОН ФИЛИАЛИ ЭНГ ЯХШИЛАРДАН БЎЛСИН”



Хайётбек ЭРГАСHEB,
Қўқон филиали бошқарувчи
ўринбосари:

— Ҳар бир инсон йил сўнгги-да ортига боқиб, ҳаётида нималар юз берганини мушоҳада қилади. 2021 йил мен учун оддий кечмади. Ишда, шахсий ҳаётда кўп яхши кунларнинг, қувончли воқеаларни бошдан кечирдим. Эсдан қоладиган ютуқларимдан бири — банкимизнинг 6 нафар ходимдан ташкил топган “iTeam” жамоаси билан бирга Бухорода ўтказилган “Заковат” брейн-ринг турнирининг финал босқичида иштирок этганимиз ва учинчи ўринни эгаллаганимиз бўлди. Мен ҳам жамоанинг аъзоси сифатида бу ютуққа ўз ҳиссамни қўшганимдан хурсандман. Муваффақиятга эришишимизда банкимиз томонидан ходимларнинг ўз устида ишлаши учун яратилган шароит, электрон кутубхона, модул тизими каби қулайликлар муҳим роль ўйнади.

Келаётган йилда филиалимизни энг илғор тармоқлар қаторига қўшилишини хоҳлайман. “Hamkorbank” АТБ 2022 йилда молия бозорида ўз ўрнини мустақамлашини, ҳар бир йўналиш ва кўрсаткич бўйича мамлакатимиз банклари орасида энг яхшиси бўлишини тилаб қоламан.



ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ЎРНИ БИР ПОҒОНА КЎТАРИЛДИ



Жаҳонгир СОДИҚЖОНОВ,
журналист:

— Болаликдан бир қоидага амал қиламан. Янги йил арафасида ортга назар ташлаб, эришган ютуқларимдан кўра ушалмай қолган орзуларимнинг сабабини ўрганаман.

Яқунланаётган 2021 йил бошқача бўлди. Иш фаолиятимда катта ўзгариш, масъул вазифага муносиб топилдим. Бу янги ютуқларга йўл очди.

Мени қувонтирган яна бир нарсамамлакатимизда ОАВларга бўлган эътибор янада ортди. Жамиятда журналистларнинг ўрни бир поғона кўтарилди. Эндиликда ўз сўзимизни дадил айтиш имконияти берилди. Мана шу майдонда қадам босаётганимдан хурсандман. Ҳали режаларим катта. 2022 йилда барча орзуларим ушалишига ишонаман.

Кейинги вақтда республикаимизда тадбиркорлик фаолиятини, жумладан, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда қабул қилинган “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори ҳам аynи шу мақсадга қаратилган. Унга мувофиқ, 2022 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида:

ЯНА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК УЧУН КРЕДИТ

— мақсадли жамғармалар ҳамда Тикланиш ва Тараққиёт жамғармасининг ресурслари банкларга йиллик 10 фоизда жойлаштирилади;

— имтиёзли кредитлар йиллик 14 фоиз ставкада;

— аҳоли ҳамда тадбиркорларга — 3 ойдан 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилгача;

— чорвачилик, балиқчилик ва паррандачилик учун — 1 йилгача имтиёзли давр билан 3 йилгача;


— боғдорчилик, узумчилик ва

лимончилик, иссиқхона, қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарни харид қилиш учун — 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача;

— “Хунарманд” уюшмаси аъзоларига — 3 йилгача ҳамда айланма маблағларни тўлдириш учун 18 ойгача ажратилади;

— кредитлар ҳоким ёрдамчиларининг тавсияси асосида ажратилади;

— чорвачилик учун кредитлар камида 10 дан 50 бошгача четдан келтирилган насли чорва молларини боқиш учун кичик фермаларни таш-



ИСЛОҲОТ

кил этишга берилади;

— “етакчи” тадбиркорларга деҳқон хўжаликлари ер майдонлари ва аҳоли томорқаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кооперация асосида етиштириш ва етиштирилган маҳсулотларни харид қилиш учун айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар ажратилади.

2022 йил 1 мартдан кредитлар тўлиқ рақамлашган ҳолда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали ажратилади.

“Тошкент — нон шаҳри”, “Самарқанд — кўҳна обидалар шаҳри”, водий гавҳари бўлмиш Наманган эса “Гуллар шаҳри”. Бу гўшанинг нозик қалбли одамларининг меҳмондўстлиги-ю орасталиги, гўзалликни қадрлаши сабаб айтилгандир бу таърифлар. Ҳамиша кучоқ-кучоқ гуллари ила бағрини очиб келаётган танти одамлари ҳақида ўйлаганингизда фахру ифтихорга тўлади кўнглингиз. Бугун “Гуллар шаҳри”га таъриф бермоқчи эмасман, шундоқ ҳам аён.

Янги 2022 йил остонасида “гулчи опа” — Саодатхон УСМОНОВАнинг таассуротлари билан ўртоқлашгим келди. Қишнинг совуқ кунларида ҳам нозик ниҳолларни иссиқ тафти, қалб кўри ила авайлаб-асраётган опанинг гулзори аро сайр қилдик.

ЯНГИ ЙИЛ ГУЛДАСТАСИНИ ЯРАТДИМ, — дейди “Водий кўкаламзор савдо сервис” МЧЖ раҳбари Саодатхон УСМОНОВА.



Ҳалол меҳнати ортидан қадр топган гўзаллик шайдоси, “Дўстлик” ордени соҳибаси Саодатхон опа яратган гул плантацияларининг доврўғи аynи кунда довон ошган. Меҳнатнинг самараси-даромад салмоғи миллионларни ортда қолдириб, миллиардларга етган. Аммо гап бу ҳақда эмас. Шу кунга етиб келгунча кечирган машаққатлари бир-биридан гўзал гуллар-у, бахтдан шод лаҳзаларида унутилгандай. Ҳозирда унинг бедор қалбидан ўтаётган туйғулар ҳаётининг сеҳрли онларида, тўкин дастурхон-у, жамул-жам оила даврасида мужассам. Опанинг байрам табригини сизларга йўлашни ният қилдик.

— Болалигимдан китобни севардим. Олам-олам орзулар оғушида мактабни тамомладим, кутубхоначиликка ўқидим. 20 йил вилоят кутубхонасининг бой хазинасидан ҳаёт дурдоналарини тердим, маънавий озуқа олдим. Бу орада оилали бўлдим, 4 ўғил-қизнинг

онасига айландим. Болалар гул янглиқ нозик бўлар эканки, парваришга муҳтож. Уларга меҳр берсангиз, гўзаллик ва мафтункорликни кўраркансиз. Гулни олий неъмат фарзандга, фарзандларимни эса гулларга ўхшатардим. Балки, ана шу туйғулар гулзор яратишга иштиёқ уйғотгандир, менда. Балки гулсевар онам — Мавлудахон аянинг хонадонимизда мўъжазгина гулзорида кўзим пишгандир, тажриба тўплагандирман.

Ноёб гуллар уруғини олиб келиш, етиштириш билан астойдил шуғулланиб, мана чорак асрдирки, нозик ва ёқимли, сермашаққат соҳада фаолият олиб боряпман. Шаҳар марказидан ажратилган 2 гектар майдонда гулхонамиз бор.

“Катта иссиқхона бунёд этишда муаммолар ҳам бўлгандир”, демоқчи эдим, улгурмадим. Суҳбатдошим зийраклик қилди, сўзларидан кўнглим тўлди.

— Иш бор жойда муаммо ҳам бўлади. Бугун эришаётган муваффақиятларим ҳамма ташвишларимни ортда қолдирди. Голландия, Жанубий Кореянинг гул плантацияларида тажрибамизни ошириб қайтдик. 50 дан ортиқ иш ўрни яратдим. Ўғилларим Фарҳоджон, Отабек, Камолиддинлар ёнимга киришди. Муҳими, биз етиштираётган гуллар одамлар қалбига хуш кайфият, кўтаринкилик, гўзаллик улашмоқда. Халқимизнинг ҳар бир байрами гулсиз ўтмайди. Кимдир нимадир ҳадя қилади. Мен эса янги йил байрамига доимгидай гулларни улашмоқчиман.

Гулчеҳра ЛАТИФ,
Наманган.

“Everest” бренди остида ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларига бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Айниқса, корхона 2021 йилда малакавий мутахассислар ва замонавий технологияларни жалб қилган ҳолда мижозлар талабига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарди.

Бунёдкорлик майдони кенгайиб бормоқда. Бу ўз ўзидан қурилиш материалларига талабни оширмоқда. Шу сабаб маҳсулот ишлаб чиқаришда сифатга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Бизнинг цемент, металл

ХАРИДОРЛАРИМИЗ ЯНАДА КЎПАЯДИ

труба ва профиллар, асбест қувурлари, шифер, замонавий композит шиферлар ҳамда шиша ва ойна тола маҳсулотлари сифати ҳамда ҳамёнбоплиги


билан харидорлар диққатини жалб этди.

Корхонамиз 2022 йилда янада сифатли ва чидамли қурилиш маҳсулотлари билан нафақат респуб-

ликаимиз, балки, қўшни давлатлар бозорларига киришни мақсад қилган. Шу йўл билан юртимизда қурилиш маҳсулотларига

бўлган эҳтиёжни тўла қондириш ниятидамиз. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва фуқароларнинг турмуш тарзини янада ошириш келгуси йилдаги устувор вазифаларимиздан бири. Бу йўлда “Hamkorbank”дек ҳамкоримиз борлигидан мамнунмиз.

Авазбек НАСРИДДИНОВ,
Андижон вилоятидаги “Everest” қурилиш материаллари корхонаси иш юритувчиси.



Марина ВЕРХОВЫХ,
Термиз филиали бош
ҳисобчиси:

— 2021 йилнинг қадами мен учун жуда қутлуғ келди. Йил бошиданок ҳаётимда катта ўзгаришлар юз берди. Бош бухгалтер сифатида иш бошладим, банкимизнинг махсус кўрак нишони билан тақдирландим. "Namkorbank" АТБнинг 30 йиллик байрамида эсталик кумуш тангасини совға қилишди.

Бу ютуқлардан қувончим ичимга сиғмаяпти. 18 йиллик меҳнатларимни қадрлаб, менга мана шундай мукофотларни тақдим этган, орзу ва мақсадларимнинг ушалишига сабаб бўлаётган банкимиздан чексиз миннатдорман. Мени қўллаб-қувватлаётган, руҳлантираётган қадрдон жамоамга ҳам катта раҳмат. Термиз филиалида ишлаётганимдан мамнунман, жамоадолларимни яхши кўраман. Янги йил жамаки яхшиликларни инъом этсин.

"ОИЛАМНИ ЧЕТ ЭЛГА ОЛИБ БОРАМАН"



Анвар ҚУТЛИЕВ,
Урганч филиали бошқарувчи
ўринбосари, корпоратив
хизматлар бўлими бошлиғи:

— Ҳар бир ходим карьерасида ўсиш мақсади билан меҳнат қилади. 2021 йилда мен ҳам мана шу истагимга эришдим, бу эса ишга нисбатан мотивацияни кучайтирди.

Оиламиз билан чет элга саёҳат уюштиришни мақсад қилган эдик. Биргина мана шу ниятим амалга ошмай қолди. Насиб қилса, кейинги йилда рўёбга чиқади, деган умиддаман.

2022 йилга аталган режалар катта! Аввало, Урганч филиали нафақат "Namkorbank" тизимида, балки, бутун Республика банклари орасида энг юқори натижага эришишни хоҳлайман. Шахсий ҳаётимда эса, аввало, ота-онамни ҳаж сафарига жўнатишни, ўғлимни Хива шаҳридаги Президент мактаби ўқувчиси бўлишни истайман.

"Namkorbank" АТБнинг қадами бир йил аввал Амир Темур бобомизнинг киндик қони тўкилган Шаҳрисабзга ҳам етиб борди. Қадимий ва кўҳна шаҳарда мўъжазгина 10 кишилик жамоа ташкил этилди. Асосан Қарши филиалининг тажрибали ходимлари жалб этилиб, яна бир тармоқ фаолияти йўлга қўйилди.

"ШАҲРИСАБЗ" БИР ЁШДА

— Бир йил ичида ишларимизни тартибга келтириб олдик. Қарангки, ҳозир аҳолининг ўзи келиб, ташаққури билдириб кетяпти. Айниқса, пенсионерларга жуда қулай бўлди. Истаган пайтда банкоматимиздан маблағини нақдлаштириб олади. Бу ҳудудда банк йўқ эди. Энди барча турдаги банк хизматларидан фойдаланиш имконияти юзага келди.

Филиалимизнинг ишга тушиши нафақат аҳолининг турмуш тарзи яхшиланиши, балки, кайфиятнинг кўтарилишига ҳам ёрдам бермоқда. Банк офисимизнинг ташқи кўриниши жуда чиройли, замонавий. Кеч тушганда бино атрофи ёп-ёруғ бўлади. Ёз кунлари салқин ва сўлим гўшага айлангани учун аёллар оқшомлари ёш болалари билан келиб, ўтириб, ҳордиқ чиқариб кетади. Ёшлар ҳатто фон сифатида расмга ҳам тушмоқда, — дея ютуқларидан қувониб сўзлади Шаҳрисабз филиали раҳбари Салим Қудратов.

Қисқа вақтда жамоа худди бир неча йиллар давомида шакллангандек тажриба тўплаб улгурди. Шу давр ичида филиалга қарашли Чироқчи ва Китоб банк хизматлари офиси ишга тушди. 34 нафар ходимнинг асосий қисми ёшлардан иборат. Шу боис жамоада тез-тез тўй ҳақидаги хушхабарлар тарқалиб туради. Шаҳрисабзликлар янги йилга ўзгача кайфият билан кириб бормоқчи. Чунки улар бир жамоа сифатида энди иккинчи Янги йилни қарши олмақда. Шунданми, ходимларнинг кўзида ўзгача иштиёқ ёнади, барчаси режаларни ортиғи

билан бажариб, йилни яхши кайфиятда якунлаш истагиди.

Жамоанинг ютуқларида бошқарувчининг ўрни жуда муҳим. Бу борада Салим Қудратов мақтовга сазовор ишларни амалга оширди. Ходимларнинг фикрича, меҳроқибатли жамоа шаклланишида унинг ҳиссаси катта. Раҳбар сифа-

Назokat ИСЛОМОВА,
ВАШ менежери:

— Шу йилдан филиалда иш бошладим. Унгача 12 йил Микрокредитбанкда фаолият юритганман. "Namkorbank"да мен бутунлай бошқа муҳитни кўрдим. Ходимлар учун шунча шароит яратилиши мумкин бўлган банк борлигига ишонолмай юрдим анчагача. Корпоратив этика кодексига риоя қилинган ҳолда иш юритилиши, замон билан ҳамнафаслик раҳбарият билан ходимлар ўртасидаги илиқ муносабат, манфаатлар тўқнашуви юзага келмаслигига гувоҳ бўлдим.

Хоналарнинг тозаллиги, ёруғлиги, қулай иш столлари, замонавий техник воситалар, ходимларнинг ўз устида ишлаши учун яратилган имкониятнинг беқиёслиги. Модул тизими орқали ходимларни ўқитиб, ҳам тест асосида баҳолаши жуда маъқул бўлди. Шанба кунги ўқишлардан ўзимга керакли билимларни олишга муваффақ бўляпман. Умуман олганда, банкимиздаги ҳар битта деталь фақат ривожланиш учун хизмат қилади.

Нигора ТЎХТАМАТОВА



тида ходимларни тенг кўриши, ҳар бири билан индивидуал мулоқот қилиши, муаммоларини тинглаши орқали ҳурмат ва эътибор қозонди.

Корхонамиз 2002 йилдан буён Тошкент шаҳрида фаолият юритиб келади. Юқори сифатли пластик иситиш ва канализация қувурлари, арматура, девор ва шифт панеллари ҳамда уларнинг бутловчи қисмлари, пластиклар, карнизлар ишлаб чиқарамиз. Маҳсулотларимиз машҳур "ARPLAST" савдо белгиси остида тақдим этилади.

САРҲИСОБ

"Namkorbank"нинг Яккасарой филиали билан 15 йилдан буён ҳамкормиз. Бундан кейин ҳам алоқаларимиз бардавом бўлади, дея ишонч билан айта оламиз. Негаки, бу банкнинг хизматлари бизни ҳар томонлама қониқтиради. Ўртаимиздаги банк ва мижоз муносабатларида ҳеч қачон муаммо бўлмаган.

2021 йил корхонамиз учун омадли кечди. 5 минг тонна маҳсулот билан йилни муваффақиятли якунлаяпмиз. Маҳсулотларимиз ўзимизнинг ички бозорда юқори мавқега эга бўлиш билан бирга, ташқи бозорни ҳам забт этди. Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари экспорт ҳамкоримизга айланди.

Бозор ва мижозлар талабини инобатга олиб,



маҳсулотларнинг сифати ва чидамлилигига алоҳида эътибор қаратганмиз. Махсус лабораториямизда ишлаб чиқариш технологияси доимий назорат қилиб борилади. Сифатни янада ошириш борасида доимий изланишдамиз.

Бизнесда бизга катта ютуқларни инъом этган ўтаётган йилдан жудаям мамнунмиз. Натижаларимизга ўз ҳиссасини қўшган мутахассисларимиз, ишчиларимиз, ҳамкорларимиз ва мижозларимизга катта ташаккур айтамыз. 2022 йил янада омадли келсин!

Ойбек ПЎЛАТОВ,

Тошкент шаҳридаги "SHINKONTRAKTTORG" МЧД директори ўринбосари.



Яқунланаётган йилда Булоқбоши туманида ҳам "Hamkorbank" АТБ фуқароларнинг энг яқин молиявий кўмакчисига айланди. Шу йилнинг апрель ойида туманда ташкил этилган янги банк хизматлари офиси қисқа вақт ичида ўз мижозларига эга бўлди.



ДАСТЛАБКИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Айни вақтда 1250 дан ортиқ мижозга сифатли хизмат кўрсатиляпти. Уларга ўн бир миллиард беш юз саксон бир миллион сўм молиявий кўмак берилди. Натижада юздан ортиқ вақтинча ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланди. Улар орасида ёшлар кўпчиликини ташкил этади.

Аббосбек Муҳаммадалиев ташаббускор ёшлардан. У автомобилларга техник хизмат кўрсатишнинг ҳадисини олган. Ўз устахонаси бўлишини кўпдан орзу қиларди. Фақат маблағ масаласида қийналаётганди. Банкнинг кўмаги билан унинг бу муаммоси ечимини топди.

— Берилган 32 миллион сўм кредит ҳисобига фаолиятимни бошладим. Уч нафар тенгдошим ҳам ишли бўлди. 2021 йил биз учун омадли келди, — дейди ёш тадбиркор.

Илҳомжон Назаров раҳбарлигидаги кичик жамоа доим изланишда. Маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ҳар бир хонадонга кириб бориб, замонавий банк хизматлари ва мавжуд имкониятлар жамоатчилиikka етказилмоқда. Бу ўз-ўзидан мижозларнинг "Hamkorbank"ка бўлган ишончини оширяпти.

Бекзод МУТАЛЛИБОВ.

Сурагларда: БХО ҳаётдан лавҳалар.



"ОРЗУЛАРИМИЗНИ УШАЛТИРГАН ЙИЛ БЎЛДИ"



Замира АБДУЛЛАЕВА, шоира, Хоразм вилояти:

— Ўтаётган йил ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Ўғлим Маҳмуджон 5 йиллик ўқиш-ўрганишдан сўнг мустақил машина таъмирловчи устага айланди. Қизим Юлдузхон ҳамшира бўлишни жуда истар эди. Орзуси ушалиб, бу йил тиббиёт коллежи талабаси бўлди. Фазилатхон қизим эса иккинчи мутахассислик бўйича мактабгача таълим техникумига ўқишга кирди. Назоқатхон қизим чеварлик бўйича текширувчи бўлиб, Қундузой қизим эса тадбиркорлик бўйича иш бошлади.

Қизларимнинг ишлари ривожланиб кетишида "Hamkorbank"нинг ҳиссаси катта. Фарзандларим ушбу банкнинг кредитлари асосида замонавий тикув машиналари ва юзлаб мижозларга эга бўлишди. Бу банкнинг ҳамкори эканимиздан хурсандман. Ширинсўз ходимларини жуда-жуда қадрлайман.

Ҳаётимга улкан ютуқларни ҳада этган 2021 йилдан миннатдорман. 2022 йил тинчлик-омонлик, тўкин-сочинлик йили бўлишини, касалликлар чекинишини тилайман.

"ПАНДЕМИЯ ДЕГАН СЎЗНИ УНУТАЙЛИК"



Азизбек ИМОМОВ, Учтепа филиали корпоратив хизматлар бўлими менежери:

— Инсон ҳар бир Янги йилни қарши олаётганда ўз олдига улкан мақсад ва режалар қўяди. Йил давомида уни амалга ошириш орзуси ва иштиёқ билан яшайди. Менда ҳам шундай бўлди. 2021 йилда касбий тоифамни оширишни ният қилгандим. Мана шу мақсадим амалгашиб, 1-тоифали менежер даражасига кўтарилдим. Албатта, ҳали мақсадлигича қолиб кетган режа ва ниятларим ҳам бор. Аммо ҳозир улар ҳақида гапирмай қўя қолай. Яхшиси, келаётган йилда амалга ошириш йўлларини ўйлаганим маъқул.

2022 йил пандемия деган сўз бутунлай унутилиб, барча соҳалар ўз изига тушсин. Ҳаммага соғлиқ ва оилавий бахт тилайман. Келгуси йилда сафимиз янада кенгайсин.

"Hamkorbank" АТБ мамлакатимиз иқтисодиёти, молия бозорида ўз ўрни ва нуфузига эга, янгиликларга интилувчан, "банк мижоз учун" шиори остида ишлайдиган, замон билан ҳамнафас молия муассасаси сифатида танилган. Кадрлар салоҳияти, уларни ўқитиш ва малакасини оширишга бўлган эътибор ва рағбат ҳам айнан бизнинг банкимизда. Зотан, филиалларнинг ташкил қилиниши ва тараққий этиши, кенгайиши, юксак натижаларни қўлга киритиши замирида халқимизнинг фаровон турмуш кечиришига ҳисса қўиши мақсади мужассам.

Филиалимиз жамоаси айни шу йўлда биргаликда бормоқда. Келгуси йилда янги марралар, муваффақиятлар сари қадам ташлаймиз.

Азиз юртдошлар!

Янги — 2022 йил билан самимий муборақбод этамиз!

"ЮКСАЛИШ" ФИЛИАЛИ.



Яна уч кундан сўнг юртимизга Янги йил кириб келади. Болаликдан қадрдон ва сеvimли айёмни ҳамма орзиқиб кутади. Тўкин дастурхон, безатилган арча, рангоранг шуъла таратаётган чироқчалар, Қорбобо ва Қорқизнинг кутилмаган ташрифи, қутловлар, қувноқ давра — бари-бариси унутилмас. Беихтиёр болаликнинг ширин дамлари ёдга тушади, бир зум бўлса ҳам беғубор кунларга қайтасан киши...

Янги йил бўсағасида "Hamkorbank" АТБ Қувасой филиали менежери Нафисахон ТОШМАТОВА билан уюштирган онлайн-мулоқотимиз давомида биз ҳам болаликнинг соғинчли дамларини, байрам шодиёналарини эсладик. Буларни ўқиб, сиз ҳам ширин ўйлар оғушида қолсангиз ажабмас.



БОЛАЛИКДАГИ ҚОР ПАРЧАСИ

лар. Янги йилга доимо шеърлар, рақслар билан тайёргарлик кўрардик. Қор парчаси бўлиш ёқарди менга. Мактабдаги Янги йил байрамида бухороча рақсга тушардим.

— **Болаликка қайтиб, арча байрамига борсангиз, даврада қайси шеърни ўқиб берардингиз? Ё рақсга тушармидингиз?**

— Ота-онам ҳамиша бизнинг қизиқишларимиз, интилишларимиз, одобимизга эътиборли бўлишган. Бошланғич синфда ўқиётганимда Қорбобога хат ёзганман ва хатимни ўқишига роса ишонганман ва мўъжиза кутганман ўшанда. Улкан эмас-у, аммо каттагина арча ясатардик. Унинг остидаги совғани Қорбобо қўйиб кетган, деб ўйлардим. Болаликка қайтиб қолсам, яна ўша даврдагидек рақсларга тушардим ва албатта, ўша машхур "Ёлка"ни куйлардим.

— **Янги йил кун-**

лари ТВларда қайси кинофильмлар кўпроқ намойиш этилади? (номларини айтинг).

— "Ўйда ёлғиз", "Қор маликаси" ва "Тақдир ҳазили ёхуд қушдай енгил бўлинг" каби кинофильмларсиз Янги йилни тасаввур қилиш қийин. Улар ёшлигимиздан ҳаётимизга сингиб кетган. Қанча кўрсанг ҳам яна томо-

ша қилгинг келаверади.

— **Қорбобо, Қорқиз барчамизга маълум. Нега Қорбуви билан Қорбола йўқ?**

— Совғаларни кўтариш ва тарқатиш фақат Қорбобо ва Қорқизга ярашади. Ҳа айтгандай, "Аёзбобо" дея айтаминиз-у, нега буваларимизни "Аёзбува" демаймиз, а? (кулади).

— **Янги йил байрамида торт ейиш шартми? Ўрнига нимани таклиф қилардингиз?**

— Тўғри, ейиш шарт эмасу бироқ... тортсиз байрам татирмиди болажонларимиз учун? Ахир, ширинтойлар яйрамаса, ҳар қандай байрам тароватини йўқотиши турган гап. Ҳа, дарвоқе: агар байрам дастурхонида торт бўлмаса (қўйилмаса), тортчилар банкрот бўлиши аниқ. Уларни ҳам ўйлаш керак: тирикчилиги, бола-

чақаси бор...

— **Айтишларича, Янги йил кирмасдан аввал итальянлар уйларидаги эски мебелларни кўчага улоқтиришар экан. Бунинг сабаби нимада? (Дарвоқе, бизда ҳам шунақа қилса бўладими?)**

— Менимча, эски хотиралар, ёқимсиз воқеалар, ҳодисаларни унутиш учундир. Балки, одатлари шунақадир? (Бизнинг ҳам тарк этмайдиган одатларимиз бор-ку...). Балки иримидир. Биз ундай қилолмаймиз, чунки ҳар бир буюмимиз меҳнатимиз эвазига келади. Шунинг учун уларни қадрлаймиз ва меҳримиз тушиб қолган. Албатта, бу менинг шахсий қарашларим. Улоқтиргунча қийналаётганларга, муҳтожларга берган маъқул (аниқроғи, савоб). Ҳеч бир нарсани исроф қилмайдиган халқимиз. Бу ҳол бизга тўғри келмайди.

— **Ва охиригиси: ҳамкасблару қадрдонларга Янги йил тилақларингиз?**

— Янги йилда, авваламбор, дунё аҳлига ташвиш келтирган касалликлар йўқолсин. Ер юзида ҳамиша тинчлик бўлсин. Оила аъзоларимиз ва яқинларимиз билан соғ-саломат ҳолда эзгу ниятларимизга эришайлик. "Hamkorbank" АТБ деб номланувчи сеvimли ва ардоқли хонадонимиздан қут-барака аримасин!

Суҳбатдош:
Ҳ.ТОҶИРОВ

— **2021 йилдаги орзуниятларингизнинг қай бирига эришдингиз?**

— Яқунланаётган йил муваффақиятлар йили бўлди. Шукурки, барча орзуниятларимга етишдим. Банк ходими сифатида филиалимизнинг барча ходимлари камида 1-тоифали менежеру мутахассислар бўлишларини истагандим. Лекин ҳар доим ҳам истакларимиз амалга

ошавермас экан. Янги йилда ушалмаган орзулар ушалишини истаيمان.

— **Болалигингиздаги Янги йил байрами хотиралари (оилада, боғчада, мактабда)дан сўзлаб берсангиз?**

— Оҳ-оҳ, болаликнинг ўзи бир олам завқ бағишлайди-ку инсонга! Жуда-жуда мароқли, қизиқарли ва ҳақиқий болалик эди у дам-

Иштихон аҳолиси асосан узумчилик-боғдорчилик, чорвачилик билан шуғулланади. Токзорлар нафақат фермер хўжаликлари ерларининг, аҳоли томорқаларининг асосий қисмини ташкил қилади. Қишлоқда катта-катта майдонларда узумзорлар мавжуд. Боғбонлар ҳар йили гектаридан қарийб 100 миллион сўмдан кам даромад қилмайди. Етиштирган маҳсулотларини асосан ички бозорда сотади.

Илк бор бобомдан боғдорчиликни ўрганганмиз. Токзорлар оралаб болалик завқини сурганмиз. Ҳаётимиз гўзаллиги ва фаровон турмушимиз иқтисод билан боғлиқлигини ана шу пайтдаёқ тушуниб етганмиз. "Ишқомдаги тилларанг узумлар сизларнинг ризқингиз, пулингиз эканлигини тушунинг ва уларни меҳр билан парваришланг", дея ўқитган бобомнинг панднасихатлари туфайлидир ҳалиҳануз меҳнат билан даромадимиз ортаяпти.



МИЛЛИОНЕРДАН ИЛЛИАДЕРГА АЙЛАНАЁТГАНЛАР

Узумнинг "қора кишими", "қора жанжал", "танси", "хусайни" каби ўнга яқин нави етиштирилади. Биргина "хусайни"нинг икки-та, яъни, қизил, сариқ тури мавжуд. Бизнинг узумларимиз маҳаллий иқлим шароитига яхши мослашган. Ҳосилни совуқ ҳаво таъсирида нобуд бўлиш хавфини камайтириш учун Иштихонда узум тепалик ва адирларда етиштирилади. Эрта баҳорда совуқ ҳаво оқими тепа-

ТАДБИРКОРЛИК

дан пастга силжийди ва ҳосилнинг нобуд бўлишига олиб келиши мумкин. Бироқ бундай ҳолатда ҳам бизнинг миришкорлар уларни сақлаб қолиш ҳадисини билишади.

Оилада тўрт ўғил ва бир қиз вояга етдик. Отам муаллим, онам эса чин маънодаги миришкор. Биз

фарзандлар турли соҳаларни эгаллаган бўлсак-да, узум етиштиришнинг сир-асрорларини биламиз. Айниқса, укам Раҳмиддин отамга елкадош. Мен банк соҳасида ишлайман. Таътилда яқинларимга кўмаклашаман. Бугун биз тайёрлаган майизлар Самарқанд бозорларидан тортиб пойтахтгача етиб борган. Майизчиликнинг орқасидан миллионердан миллиардерга айлан-



ган ҳамқишлоқларим талайгина.

Майизни қишин-ёзин топса бўлади. Одатда, узумни Янги йил байрамигача сотиб бўлишади. Бироқ, биз имкон қадар сифатини бузмаган ҳолда етказишга ҳаракат қиламиз ва эл-юрт дастурхонига ҳиссамизни қўшамиз.

Аслиддин МАМАРАСУЛОВ,
Самарқанд.

Янги йил арафасида шаҳар кўчаларини айлансангиз, ажиб гўзалликнинг гувоҳи бўласиз. Айниқса, тунги ёритувчи чироқларнинг камалак каби товланиши ва унинг ёғдуси ила қалбларимиз ором олади, ҳузурланади. Қай гўшага қарамай байрамона безатилган. Улкан, салобатли арча атрофида байрам сурури ила завқланаётган кичкинтойлар қийчуви ва шодлиги билан олам мунаввар. Ранг-баранг ўйинчоқ ва чироқлар билан безатилган Янги йил арчаси барчага бирдек завқ улашади.

Мамлакатимизнинг сайлгоҳ ва шаҳарларида, туманлар марказида арзонлаштирилган савдо ярмаркалари ташкил этилиши анъанага айланган. Аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифатини янада юксалтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда байрам совғаларини арзон нархларда етказиб бериш мақсадида таъминотчи корхона, агрофирма ва фермер хўжаликлари



бириктирилган.

Қаҳратон қишнинг совуқ кунларига етказиб келинган турли ноз-неъ-

матлар она еримиз саховати битмас-туганмаслигидан далолатдир. Ўзбек халқининг дастурхони ҳамиша қут-барака, тўкин-сочинлигининг ифодаси.

— Байрамона безатилган кўча ва хиёбонлар баҳри дилингизни очади.

Ахир, байрам мана шундай муносиб тайёргарлик ва шоду-хуррамлик билан

қаршиланиши керакда, — дейди Самарқанд шаҳрида яшовчи Мир-азим Соатов.

Азиз юртдошим, бугун атроф гўзаллигидан баҳра олинг, фаровон турмуш нашидасини суринг, бахтли онларнинг ҳар бир дақиқасини қадрига етинг! Чунки ранго-ранг панно ва чироқлар билан безатилган шаҳримиз кўчалари сизнинг кириб келаётган Янги йилингиз учун ҳаёт йўлингизни ёритмоқда, олам-олам қувонч бахш этмоқда. Бу гўзаллик ва мафтункорлик барчамизнинг қалбимизда фарахбахш кунлар учун шукроналик ҳиссини ошириб, эзгу ниятларни уйғотиши муқаррар.

НИЛУФАР.



ЯНГИ ЙИЛ ДАСТУРХОНИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?



Янги йил кириб келишига ҳам санокли кунлар қоляпти. Уй бекалари ҳозирдан байрам дастурхонини қандай таомлар билан тўлдирини ва оила аъзоларини нималар билан қойил қолдириш ҳақида бош қотиришаётгани сир эмас. Шу ўринда тўғри овқатланишга эътибор қаратиш айтиш мумкин.

Инсон соғлиғи овқатланишнинг алоҳида таркибига, маҳсулотлар ва таомларнинг сифатига бевосита боғлиқ бўлади. Тўғри овқатланиш барча касаллик ҳолатларининг 80 фоизининг олдини олишда аҳамиятлидир.

Уй бекалари байрам кунлари дастурхон безаш тараддудида бўлади. Шу куни дастурхонга ўнлаб турдаги егуликлар, таомлар, пишириқлар ва ширинликлар қўйилади. Бу эса, инсон организми учун анча оғирлик қилиши турган гап.

Овқат тўлиқ ҳазм бўлмасдан туриб, яна таом ейилса, ҳазм жараёни оғирлашади. Чунки ошқозонда овқат устига яна таом тушиши шира аралашини меъерини бузади. Бу ўз ўрнида кишида қорин ғулдираши, дам бўлиши ва лоҳаслик каби ҳолатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Байрам арафасида жигар, буйрак ва ошқозон ости беши касалликларига чалинганларда ушбу хасталикларнинг зўрайиши кузатилади. Маълумки, меъда овқатга тўлиб кетса, унинг ҳаракат функцияси ёмонлашади, натижада ошқозондаги озик моддаларнинг шира билан аралашини қийинлашиб, ҳазм жараёни издан чиқади.

Агар қорин тўйишига оз қолганда овқатдан қўл тортилса, киши ҳазм аъзоларининг иши енгиллашади, одам ўзини яхши ҳис қилади ва кейинги овқатланишга иштаҳа сақлайди.

Демак, байрам кунларида нохуш ҳолатларга барҳам бериш учун, аввало, овқат истеъмол қилиш тартибига риоя этиш лозим. Кун давомида сабзавотли салатлар, ошкўклар, ҳўл мева-лардан оз-оздан истеъмол қилингани маъқул.

С. АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент.

Янги йил ярмаркалари Европада “немис тилида сўзлашувчи” жойларда пайдо бўлган. Уларнинг энг қадимийлари — Баутцен (1384 йил) ва Дрезден (1434 йил) да ўтказилган. Даставвал улар оддий бозор бўлиб, шаҳарликлар кириб келаётган қиш фаслидан олдин турли маҳсулотларни ҳамлаб қўйишлари учун уюштирилган. Кейинчалик ярмар-

ДУНЁ БЎЙЛАБ

калар дўст ва яқинларга совғалар харид қилиш жойига айланган. Бугун ҳар бир шаҳардаги ярмаркаларнинг ўз “қиёфаси” бор. Улар хунармандларнинг ўз маҳсулотларини намойиш этишлари ва анъанавий пишириқларни татиб кўриш мумкин бўлган жойга айланди.

ФРАНЦИЯ, ПАРИЖ

Севги ва романтика шаҳри байрам кунлари Шарль Перро эртагига айланади. Кўчаларда километрларга чўзилган гирляндлар осилади, дўконлар байрамона безатилади. Бир неча ҳафта аввал эса Елисей майдонлари ўзгача қиёфага кира бошлайди. Майдонлар яқинида кўғирчоқбоз Жан-Клод Дейл кўплаб кўғирчоқ қаҳрамонлари қатнашувчи эртақнинг тирилишига ва йиғилганларга ўзгача сеҳрли эртақ тақдим этишга ёрдам беради. Парижнинг Лотин кварталда Қорбобо қишлоғи жойлашган бўлиб, шу ернинг ўзида ноёб маҳсулотлар бозори ҳам уюштирилади. Энг катта бозор мана шу ерда жойлашган: бу ер тахминан 160 та “шале” — савдо уйчаларини сиғдиришга қодир. Айтганча, ярмаркадан сўнг кўриш чархпалагига чиқишни ва ушбу гўзалликни юқоридан томоша қилишни унутманг!

Ф. ИСЛОМОВ,
Қашқадарё.



ЕВРОПАНИНГ ЭНГ ЗҲР ЯНГИ ЙИЛ БОЗОРЛАРИ

АВСТРИЯ, ВЕНА

Европанинг энг безатилган шаҳарларидан бири ҳисобланади. Саройлар, нозик дид, вальс ва булочкалар учун мазали хамирлар шаҳри бўлмиш Вена Янги йилни ўзига хос дабдаба билан қарши олади. 10 дан ортиқ Янги йил бозорлари ташкиллаштирилади.

Венанинг энг қадимий ярмаркаси “Wiener Christkindlmarkt” Ратуша



ГЕРМАНИЯ, ДРЕЗДЕН

Бу ерда энг йирик ва энг чиройли ярмаркалардан бири ўтказилади. Штрицельмаркет (Striezelmarkt) деб номланувчи Дрездендаги анъанавий ярмарка бу йил ўзининг 588 йиллигини қарши олади: кетма-кет шунча йилдан бери бу ерда ярмарка ташкиллаштирилиб келинмоқда.

Машҳур Дрезден майдонида икки юз элликка яқин савдо шахобчалари — “эртақнамо уйчалар” ўрнатилади. Хунарманд усталар томонидан тайёрланган қўлда ясалган ўйинчоқлар, арча безаклари ва мазали ширинликларни топасиз. Штолен-майиз, мак, ёнғоқ, марцепан солинган анъанавий немис пишириғи ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Шунингдек, бу ерда Гиннесснинг рекордлар китобига киритилган дунёдаги энг йирик Янги йил пирамидаси ўрнатилади.



майдонида жойлашган. Шу ернинг ўзида давлатнинг энг асосий “арчаси” ўрнатилади.

Бу ерда Янги йил шамлари, қўлда ясалган ўйинчоқлар, одамчалар шаклидаги пряниклар, шоколадли фигураларни харид қиласиз. Ратуша паркида эртақ қаҳрамонлари яшовчи сеҳрли уйчалар пайдо бўлади. Шунингдек, болакайлар турли аттракционларда, янги йил поездиди ва ҳатто пониди училари мумкин. Қизиқ-а? Гўзал Пари болажонларни турли томошаларга қақиради, катталар эса майдоннинг ўзида қўйилувчи театр намойишларини томоша қилишади.

бошқаради деб ўйласангиз, хато қиласиз. Биз сайёранинг ҳақиқий хўжайинлари билан таққослаганда, сон жиҳатидан камчилик қаторидамиз.

Ҳап шундаки, Ерда қарийб 19 нониллион (бу



30 та ноль сонига эга рақам) муайян вирус бор. Улар биз кўрган фазодаги юлдузлардан 100 миллион марта кўп.

Бутун Ер юзидан йиғилган ОИТС вируси ош қошиққа жо бўлади. Одам

танасида яшайдиган ана шу каби микроорганизмлар бир неча ўн нефть бочкасини эгаллайди.

Умуман олганда, сайёрадан йиғилган барча вируслар кичик тоғни ташкил этади.

Ердаги вируслар фазодаги юлдузлардан кўра кўпроқ.

Ҳаройиб жиҳати йўқ, тафаккур қилиш учун қизиқарли рақам, холос. Агар Ерни одамлар

ИССИҚХОНАДАН БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

Янги йил дастурхонингизда турли ширинлик ва мевалар билан бирга яна нима бўлишини истайсиз? Айтайлик, қулупнай ҳам жой олишини хоҳлайсизми? Сира муаммо йўқ. Авваллари қайсидир даражада ўринсиздек кўринган бўлса бугун ўзгача. Иссиқхоналарда йилнинг ҳар фаслида бу суюкли мева етиштирилмоқда.

МИРИШКОРЛИК

Жалақудқлик Бўрибой Умаров ҳам байрам совғаси сифатида яқинларига қулупнай улашишга қарор қилди. У бир неча йилдан буён гулчилик билан шуғулланади. Ўтган йили корейлик ҳамкорлари томорқасига иссиқхона қуриб, қулупнай етиштириш таклифини билдирдилар. Бу йил давомида даромад эканини алоҳида таъкидладилар.

Изланувчан йигит иккиланмай бу ишга қўл урди. Корейдан ноёб навли қўчатлар келтирилди. Оила аъзоларининг ҳам қизиқишлари ортди. Иссиқхонадаги яшиллик, оппоқ рангда қўчат-



қувончи янада ортди.

— Даромадга ҳам етиб келдик, — дейди ёш тадбиркор. — Бир килограммини 140 минг сўмдан сотдик. Уйимизга буюртмачилар келяпти. Янги йил дастурхони учун сўраганлар қанча. Келгуси йилдан кўчат етиштиришни режалаштирганмиз. Ҳозирда маҳалладошларимиз парваршлашни ўрганмоқда.

Шу маҳаллада яшовчи 63 ёшли Одинахон она Ҳасанованинг ҳаракатлари ибрат оларли. У 2 та иссиқхонада лимон етиштирмоқда. Унинг айтишича, бу иш эътибор ва зийракликни талаб қилади. Ўз вақтида парвариш ва ўғитлашни амалга ошириш лозим. Ҳосилни тўла ушлаб қолиш ҳам қаровчига боғлиқ.

Мана сизга тадбиркорлик. Ташқаридан иш қидириш ўрнига яшаш хонадонидан иш билан банд бўлаётган жалақудқликлар тажрибаси ўрганишга арзийди.

Акбаржон НАЗАРОВ.



КУЛУПНАЙ

— геноми 2010 да олимлар томонидан тўлиқ ўрганиб чиқилган.
— одамга қараганда 10 мингдан кўпроқ генлар бор.
— мунтазам истеъмол қилиш тишларни табиий ҳолда оқаришига ёрдам беради.
— турли мамлакатларда қулупнай пишмаган ҳолатда теришиб тузланади.



Чукча ўртоғига мақтанаяпти:

— Севгилимга аталган совғани арча остига қўйиб қўйдим, бу ҳақда ўзига айтдим!

— Хўш, у хурсанд бўлгандир?

— Билмадим, у ҳозирча ўша арчани излаяпти. Ахир, ўрмонимиз катта-ку!

Чегара постида янги келган аскар соқчиликда турибди. Бир пайт ўша томондан автомат овози эшитилди. Ҳамма шошиб борса, ёш чегарачи ҳаяжонланиб деди:

— Қарасам, биз томонга соқолли террорчи келяпти, қўлида портлаткичи халтасиям бор! Мен уни узоқданоқ тинчитдим!

— Эҳ, Маллаев, сенга ўхшаган калтафаҳмлар сабабли, мана уч йилдирки, Янги йилни Қорбобосиз кутиб оляпмиз!

Икки актёр Янги йил арафасида Қорбобо бўлиб уйларга борадиган бўлишди. Улардан бири шеригига деди:

— Илтимос, бизникига ўзинг кириб, болаларни табриклаб ўт!

— Ўзинг кирсанг бўлади-ку, ахир сени гримда танишмайди.

— Э, мен бекорга хизмат кўрсатгудай бўлсам, йил бўйи топиш-тутишимдан барака кетади.

Икки иримчи аёл суҳбатлашишяпти.

— Бу сафар Янги йил шанбага тўғри келаркан. Оғир кун, ишқилиб бахайр бўлсин-да!

— Ана, холос! Ишқилиб, 13-санага тўғри келиб қолмаса бўлгани...

Янги йил базми дастурхон атрофида икки дўст ароқ ичишяпти. Шу пайт бири иккинчисидан сўради:

— Нимага ичганингда кўзларингни юмиб оляпсан?

— “Энди ҳеч қачон ароққа қарамайман”, деб хотинимга сўз бергандим.

“НАМКОРBANK” АТБ “БОҒИШАМОЛ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

БУТУН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ВА
БАНКИМИЗ МИЖОЗЛАРИНИ ЯНГИ ЙИЛ
БИЛАН САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙДИ.

Азиз юртдошлар!

Кириб келаётган 2022 йил тинчлик-хотиржамлик ва ривожланиш йили бўлсин. Иқтисодийтимиз бунданда юксалсин. Хонадонларимиздан тўкин-сочинлик, қут-барақа аримасин. Янги йил остонасидаги барча орзуларингизнинг ушалишига тилакдошимиз.



БАЙРАМИНГИЗ
МУБОРАК БЎЛСИН!



МУАССИС:

“НАМКОР PRESS” МЧУ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета “Hamkor Press” таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул:
Н. ТУХТАМАТОВА
Саҳифаловчи:
А. КАБИРОВ
Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

“ZAKOVAT” NASHRIYOT UYI MCHJ босма-хонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Косонсой шаҳри, Чорбоғ кўчаси, 17-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Адади: 6029
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда келишилган нархда.